

«КИТОБ ДУНЁСИ» ГАЗЕТАСИ КУТУБХОНАСИ

# ЮРАКНИНГ БИР ПАРЧАСИ

**ЖАҲОН АДАБИЁТИ ҲИКОЯЛАРИ**

*2012–2015 йилларда “Китоб дунёси” газетасида чоп  
этилган энг сара ҳикоялар тўплами*

Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи  
Тошкент – 2017

УЎК 821–32(100):070  
КБК 84.(0)  
Ж 39

Масъул муҳаррир:  
*Хосият Рустамова*

Тўпловчи ва нашрга тайёрловчилар —  
*Шавкат Одилжон, Дадахон Муҳаммадиев*

Юракнинг бир парчаси (Жаҳон адабиёти ҳикоялари) / Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2017. – 176 б. («Китоб дунёси» газетаси кутубхонаси).

Қадрли китобхон!

“Китоб дунёси” газетаси аллақачон Сизни кадрдонингизга айланиб улгурган. Қўлингиздаги китобда – сеvimли газетангизда чоп этилган жаҳон адабиётининг турли йиллар ва даврларда ёзилган ҳикояларини жамладик. Яхши асар – у миллати, динидан қатъи назар қалбингизни хушнуд этади, маънавий оламингизни бойитади.

Сиз сеvimб мутолаа қилган асар Сиз азиз ўқувчилар билан дийдорлашмоқда. Китоб завқи, мутолаа шавқи бардавом бўлсин!

УЎК 821–32(100):070  
КБК 84.(0)

© Ш.Одилжон,  
Д.Муҳаммадиев  
© Ғафур Ғулом номидаги  
нашриёт-матбаа ижодий  
уйи, 2017

ISBN 978-9943-03-929-2



Лев ТОЛСТОЙ,  
*рус адиби*

## ФАҚИРЛАР

Балиқчи кулбасидаги чироқ ёнида Жанна эски елканни ямаб ўтирибди. Ташқарида шамол гувиллайди, ўкиради, тўлқинлар чайқалиб соҳилга келиб урилади, пишқиради. Ҳовли қоронғи ва совуқ, денгизда бўрон ўкиради, аммо балиқчи кулбаси иссиқ ва тинч. Кулба яхшилаб супурилган: печда олов ҳали ўчмаган; токчада идиш-товоқлар ялтирайди. Оқ чодир тортилган каравотда беш бола денгиз ҳайқириғи остида ухлаб ётишибди. Балиқчининг ўзи эса эрталаб қайиғида денгизга чиқиб кетганича қайтиб келгани йўқ. Тўлқинларнинг гувиллаши-ю, шамолнинг ўкириши балиқчининг хотини қулоғидан кетмайди. Жаннанинг бутун вужудини ваҳима чулғаган.

Эски ёғоч соат хирқироқ товуш чиқариб ўнга, ўн бирга занг урди... Эридан ҳамон дарак йўқ. Жанна ўйланиб қолди. Эри жонини жабборга бериб ишлайди, совуқ демай, бўрон демай балиқ овлайди. Жанна ҳам эрталабдан кечгача ишдан бош кўтармайди, лекин не фойда? Тирикчилик зўрға ўтади. Болаларнинг ҳаммаси ҳам юпун: ёзин-қишин бирдай ялангоёқ юришади; буғдой нонини кўриш қаёқда – жавдар нонининг етиб тургани ҳам катта гап. Ҳамма овқатлари — балиқ. “Худога шукур, болаларим соғ-саломат, — деб ўйлайди Жанна ва яна бўронга қулоқ солади. — Ҳозир қаерларда экан-а? Худоё-худовандо, ўз паноҳингда сақла!”, дейди у.



Ётай деса, ҳали вақт эрта. Аёл ўрнидан туради. Бошига қалин рўмолини ташлаб, фонарни ёқади-да, денгиз тинчидимикан, маёқнинг чироғи ўчиб қолмадимикан, эримнинг қайиғи кўринмаётганмикан, дея кўчага чиқади. Лекин денгизда ҳеч нима кўринмайди. Шамол бошидаги рўмолни юлқилайди, аллақандай нарса билан кўшни кулбанинг эшигини тарақлатади ва боягина бемор кўшнисини кўриб чиқмоқчи бўлганини эслайди. “Бечоранинг қарайдиган ҳеч кими йўқ”, деб ўйлайди Жанна ва эшикни тақиллатиб қулоқ солади... Жавоб бўлмайди.

“Бевалик курсин, — деб ўйлайди Жанна остана ёниб туриб. — Боласи кўп эмас, иккитагина, лекин ҳаммасига ёлғиз ўзи балогардон. Устига-усти хасталик! Эҳ, бевалик курсин, бевалик. Кириб кўриб чиқай-чи”.

Жанна эшикни қайта-қайта тақиллатади. Лекин жавоб бўлмайди.

— Ҳой кўшни! — деб қичқирди Жанна. “Бир нима бўлган бўлмасин тагин” деб ўйлади ва эшикни итарди. Эшик ланг очилиб кетди ва Жанна ичкари кирди.

Кулба зах ва совуқ эди. Жанна беморнинг қаерда ётганини кўриш учун фонарни кўтарди. Кўзига энг аввал ташланган нарса, эшикнинг рўпарасидаги тўшақда ётган бемор бўлди. Кўшниси чалқанча тушиб, мурда сингари қимир этмай ётарди. Жанна фонарини яқинроқ тутди. Ҳа, бу ўша эди. Боши орқага ташланган; совуқ, кўкариб кетган юзида ўлим сокинлиги. Сарғиш, жонсиз қўл алланарсага узатилиб, тушиб кетгандек похолда осилиб ётарди. Шу ернинг ўзида, мурда онанинг ёнгинасида эски кўйлакка ўралган жингалак соч, дўмбоқ икки гўдак малла бошларини бир-бирига суқишиб ухлаб ётишарди. Онаси жон бераётиб уларнинг оёғини эски рўмол билан ўраб, устларига кўйлагини тортиб кўйишга

улгургани кўриниб турарди. Гўдаклар бир меъёрда равон нафас олар, ширин ва қаттиқ уйқуда эдилар.

Жанна болалар ётган беланчакни олди, устларига рўмолни ёпиб уйига олиб кетди. Унинг юраги дук-дук урар, нега ва қандай қилиб бундай қилганини ўзи ҳам билмас, лекин бошқача йўл тутолмаслигини яхши биларди.

Уйга келгач, Жанна ухлаб ётган гўдакларни ўз болалари ёнига ётқизди-да, чодирни тортди. Унинг ранги кум ўчган, ҳаяжонланган эди. Уни виждон азоби қийнаётган эди. “Эрим нима деркан?.. — дерди ўзига-ўзи... Унгаям осон эмас, ўзимизнинг беш боламизнинг ташвиши ошиб-тошиб ётибди. Ана, келиб қолди!... Йўқ-йўқ, у эмас. Нима қилиб қўйдим-а? Роса савалайди мени. Шундай қилғиликни қилганимдан кейин ураверсин... Ана у! Йўқ!.. Хайрият, у эмас экан!

Эшик биров киргандек ғижирлади. Жанна сесканиб кетиб, ўрнидан қўзғалди.

“Йўқ. Яна ҳеч ким йўқ! Э худойим-э, нима қилардим олиб келиб? Энди унинг кўзига қандай қарайман?”. Жанна ўйланиб қолади ва анча пайтгача қаравот ёнида жим ўтиради.

Ёмғир тиниб, тонг ёришади, аммо шамол ҳамон увиллайди, денгиз аввалгидай қутуради.

Тўсатдан эшик ланг очилади, кулбага денгиз ҳавоси ёпирилиб киради, баланд бўйли, қорачадан кеган балиқчи дабдаласи чиққан, хўл тўрни судраб, хонага қадам қўяркан:

— Мана, Жанна, мен келдим! — дейди.

— Вой ўлмасам, келдингми! — дейди Жанна эрининг кўзига қарашга ботина олмай.

— Расво тун бўлди-да. Даҳшат!

— Ҳа, ҳаво ёмон айниди! Хўш, ов қалай?

— Расво, асти қўявер! Ҳеч нима тутолмадим. Тўрни йиртганим қолди. Иш пачава, жуда пачава!..

---

Сенга нимасини айтай, жудаям расво ҳаво, жудаям расво бўлди-да! Бунақа тунни ҳеч кўрмаганман десам бўлади. Овниям қўявер! Эсон-омон келганимга шукур қил... Хўш, ўзинг қалай, нималар қилдинг?

Балиқчи тўрни хонага тортиб киритди-да, печь ёнига ўтирди.

— Менми? — деди Жанна ранги қув ўчиб. — нимаям қилардим... Ямоқчилик қилдим... Шамол шундай гувилладики, юрагим орқамга тортиб кетди. Сендан хавотир олдим.

— Ҳа, ҳа, — деб ғўлдиради эр, — жуда ёмон ҳаво. Нима ҳам қилардик! Икковлари ҳам жим бўлиб қолишди.

— Хабаринг йўқдир, — дейди Жанна, — қўшнимиз Симон ўлиб қолибди-я.

— Йўғ-е?

— Қачон ўлганини ҳам билмайман, кеча ўлган бўлса керак. Ўлим олдидан ҳам тоза эзилгандир, шўрлик. Болаларига юраги ачишиб, ўзини қўярга жой тополмагандир! Иккала боласиям ҳали гўдак... Бирларининг ҳали тили ҳам чиқмаган, иккинчиси энди эмаклай деяпти.

Жанна жим бўлиб қолди. Балиқчининг қовоғи солинди, чехраси жиддий, ташвишли тус олди.

— Эҳ дунё!.. — деб ғўлдиради у чаккасини қашиб, — нима ҳам қилардик энди! Бориб уларни олиб келишга тўғри келади, уйғониб қолишса борми, мурда ёнида ҳоллари нима кечади? Ҳай, бир кунимизни кўриб кетармиз! Бор, дарров.

Лекин Жанна жойидан қимирламади.

— Ҳа, нима дейсан? Хоҳламайсанми, сенга нима бўлди, Жанна?

— Мана улар — Жанна шундай деди-да, чодирни очди.



**Вокиф СУЛТОНЛИ,**  
*озарбайжон ёзувчиси*

## **ХОЛДОР МУШУК**

Онанинг кенжатои қиш чилласида туғилди. Ташқарида қор гупиллаб ёғарди. Изғирин шамол ховлидаги қор уюмларини хирмондек совуриб, муз боғлаган дераза ойналарига пуркайди.

Гўдак чинқириғи ҳаммани сергаклантирди. Хонадаги зулмат ичида кўз-кўзни кўрмасди. Ота тимирскиланганча гугурт қидиради, аксига олиб, бу зимзиё хонада қидирган нарсангни топиш амримаҳол.

Уй совуқ эди. Юпун кийинган болалар бир-бирининг пинжига кириб дир-дир титрашар, негадир қаттиқроқ нафас олишга ҳам журъатлари етмасди. Ниҳоят ота гугурт топиб, чироқни ёқди. Хонани чироқнинг олақоронғи, титроқ шуъласи эгаллади.

— Нега олдинроқ айтмадинг, ҳеч курса Нозлини чақирардик, — деди Ота елкасидан тоғ ағдарилгандек, ҳали қонга беланиб ётган чақалоқни йўргакка ўраб, онанинг қўйнига соларкан.

— Қаҳратонда безовта қилгим келмади, — деди она ҳорғин нафас олиб. Аслида бунинг сабабини ўзи ҳам билмасди.

— Ўғил! — деди эр-хотин бараварига.

Ўртанча қиз ҳали нима юз берганини билмасди. Эски йўргакка ўралган чақалоқни кўргач, болаликка хос қизиқиш устун келди ва бошини кўрпадан чиқариб, бўйнини чўзди.

— Ётиб ухла! — деди онаси ожизгина жеркиб. — Вақт алламаҳал бўлди.



Қизча онасининг жаҳлини билгани учунми, ярим кечаси юз берган бу ҳодисанинг ваҳимаси сабабми, ҳар қалай овозини чиқармади.

Тун ярмидан оққан, шамол борган сари кучаярди. Ота оҳиста ташқари чиқди ва зум ўтмай бир қучоқ ўтин кўтариб кирди. Бир оздан сўнг чўян печда ўт гуруллади. Бир зумда тор уй исиб, кир босган дераза ойналари терлади.

Сарпойчан болаларнинг бари уйғонган, ҳаммаси қизиқиш билан онаси тарафга қараб туришарди. Отанинг бир дағдағаси билан яна ҳаммаси кўрпага бурканиб олди. Болалар ўринга кириб олишса-да, ҳеч бирининг ётгиси келмас, кўрқув аралаш қизиқиш уларга тинчлик бермасди.

Ота бурчақдан элакни олиб, ёғоч идишга ун элашга тушди. Болалар отасининг ун элашини биринчи бор кўриб туришар, улар шу чоққача ун элаш хотинларнинг иши деб билишарди. Ун элаётган эракнинг гавдаси беўхшов тарзда силкинар, унга монанд тарзда девордаги сояси ҳам ваҳимали тебранарди.

Кейин ота печ устидаги қозончада атала пиширишга тушди. Болалар отасининг овқат пиширишини қизиқиш билан кузатишарди. Ота аталадан бир қошиқ хотинига ичиргач, печга бир парча ўтин тикиб, ўрнига кирди.

...Эрталаб болалар уйқудан кўзини очганида, кун пешинга бориб қолганди. Ҳамма ёқни оппоқ қор босибди. Она кўрпа ичида тирсагини ёстиққа тираганича, деразадан кўз узмай ётарди. Юз-кўзларида безовталиқ акс ётарди. Болалар ўрnidан туриши билан катта қизига қараб, печнинг тагини кўрсатди:

— Анави ифлосни йўқот, — деди ва бироз тўхтаб, қўшиб қўйди. — Буниям топган вақтини-чи?

Қиз печкага яқинлашди. Холдор мушук туғибди. Тўртта мушуквачча бир-бирига шу қадар ёпишиб



турардики, уларни битта жон деб ўйлаш мумкин эди. Жониворларнинг ҳали кўзи ҳам очилмаганди.

Она мушукни ёқтирмасди. Холдорни ҳам ноилож уйга киритишганди. Чунки, кейинги пайтларда сичқонлар кун бермай қўйишганди.

Онаси бир ривоятни кўп айтарди: Бир кишининг боласи йўқ экан. Эртаю кеч Яратганга дуо қилиб, фарзанд сўраркан. Ҳалиги одамнинг бир ити ва бир мушуги ҳам бор экан. Улар ҳам ўз тилларида хўжайинлари учун дуо қиларкан. Ит айтаркан: “Эй Эгам, хўжайинимга етти ўғил ато қилгин, уларнинг ҳар бири бир бурдадан нон берса, бутун умр фароғатда яшайман”. Мушук айтаркан: “Худойим, хўжайинимга еттита кўр қиз бергин, ҳар бирининг қўлидаги бир бурда нонини ўғирлаб қочсам ҳам, бир куним ўтади”.

Бу шунчаки афсонами, ҳақиқатми, ўзи ҳам фарқига бормаса-да, шу ривоят онгига муҳрланган кундан бери мушук зотини кўрарга кўзи йўқ эди.

Қиз бир сўз демай, мушук болаларини тўрвага солиб, молхона тарафга кетди. Агар мушукваччаларни ховлида қолдирса, музлаб ўлишлари аниқ. Ҳамма ёқ оппоқ қорга беланган. Молхона бурчагидаги сомон уюми ўртасидан жой очиб, мушукчаларни ўша ерга авайлаб терди. Холдор мушук миёвлаганча қизнинг ортидан келарди. Қиз кун бўйи мушукларнинг бошидан нари кетмади. Ҳар-ҳар замонда онасининг кўзини шамғалат қилиб, она мушукка нон, гўшт келтириб турди. Мушукчаларнинг таги иссиқроқ бўлиши учун эски шолча келтириб тўшади.

Шу кунни ота ишдан эрта қайтди. Қўлтиғида мewa-чева, қанд-курс, ҳар хил совға-саломлар билан тўла қоғоз халта бор эди. Отанинг кўзлари қувончдан порлаб турарди. Бу кўзлар бир неча йилдан бери энди кулмоқда эди. Ҳатто пешонасидаги ажинлар ҳам йўқолган, кўзларидаги нигоронлик эриб битган,

ахир у ўғилли бўлганди. Тўрт қиздан кейин. Она ҳам кулиб турар, юзларида бахт ифодаси балқирди.

Ота айвонда мириқиб папирос тутатди. Ўғилни хотини эмас, худди ўзи тукқандек, атрофга алланечук кибр ва ифтихор билан боқди. Кейин уйга кириб, гўдакни қучоғига олди, юзини очиб, боласининг митти юз-кўзларига тикилиб қолди.

— Яхши ўғил тоғасига ўхшайди, дейишган, — деди. — Худди ўзи бўлибди, бир туки кам эмас.

Кечаси эр-хотин анча пайт пичирлашиб ётишди. Ота олдингидек қўпол, асабий овозда гапирмас, бола туғилганидан бери мулойимлашиб қолганди.

Она:

— Мушук ўлгурнинг тукқан пайтини қаранг, — деди, — ишқилиб болаларга бир касри урмасин дейман.

— Э-е, — деди эри. — Намунча иримчи бўлмасанг?

Эрталаб катта қиз онасининг овозидан чўчиб уйғонди. Кўзларини ишқалаб печ томонга қаради. Холдор мушукнинг болалари печканинг тагида ётишарди. Қизиқ, мушук болаларини бу қаҳратонда қандай қилиб молхонадан бу ёққа олиб келдийкин? Уйга қай йўл билан кирдийкин? Мушукка раҳми келди. Онасига айтмоқчи бўлдики...

— Манави исқиртларни қорга улоқтир! — деди она хийла ижирғаниб.

Қизнинг кўзлари мўлтиради, аммо бирор нима деёлмади. Яна мушукваччаларни тўрвага солди, молхонанинг тўрида ўзи ясаб берган сомон уйча ичига жойлади. Уларни бироз ўйнатган бўлди-да, онасидан яширинча, бироз нон олиш учун уйга қайтди. Онаси шу онда унга ўтин келтириб, печни ёқишни буюрди. Айтилган ишни бажариб бўлгач, бир бўлак нон олиб, мушукларнинг ёнига югурди.

Ичкарига кириши билан даҳшатдан донг қотди. Холдор мушук... ўз болаларини еяётганди. Қиз жон



Bu tanishuv parchasidir. Asarning to'liq versiyasi  
<https://kitobxon.com/oz/asar/4670> saytida.

Бу танишув парчасидир. Асарнинг тўлиқ версияси  
<https://kitobxon.com/uz/asar/4670> сайтида.

Это был ознакомительный отрывок. Полную версию  
можно найти на сайте  
<https://kitobxon.com/ru/asar/4670>